

## Дуонинг одоблари



10:00 / 09.04.2019 3136

*Саъд ибн Абу Ваққос розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*

**«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам олдимдан ўтдилар. Мен икки бармоғим ила дуо қилаётган эдим. Бас, у зот «Битта қил, битта қил», деб кўрсаткич бармоқлари ила ишора қилдилар».**

*Абу Довуд ва Термизий ривоят қилишган.*

*Шарҳ:* Бу ривоятда зикр қилинаётган тарздаги дуо арабларда бор. Уларда дуо қила туриб, «Ё Аллоҳ!» каби иборалар нутқ қилинганда кўрсаткич бармоқ билан ишора қилиш одати бўлган.

Саъд ибн Абу Ваққос розияллоҳу анҳу дуо қилаётиб, бир эмас, бир неча бармоқлари билан ишора қилган эканлар. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам бу ҳолни кўриб, хато эканини англаган ва нима қилишни

кўрсатган эканлар.

*Ибн Аббос розияллоху анҳумодан ривоят қилинади:*

**«Набий соллаллоху алайҳи васаллам:**

**«Деворларни (парда билан) тўсманглар. Ким биродарининг мактубига унинг изнисиз назар солса, албатта, оловга назар солган бўлади. Аллоҳдан кафтларингизнинг ичи билан сўранглар, сирти билан сўраманглар. Қачон фориғ бўлсангиз, уларни юзингизга суртинг», дедилар».**

*Абу Довуд ривоят қилган.*

*Шарҳ:* Бу ҳадиси шарифда Набий соллаллоху алайҳи васаллам сиз билан биз умматларига бир неча тавсияларни бермоқдалар:

**«Деворларни (парда билан) тўсманглар».**

Чунки бундай қилишда исроф, беҳуда сарф-харажат бор ва ўша вақтларда бу маъносиз нарса бўлиб, такаббурликнинг белгиси ҳисобланган.

**«Ким биродарининг мактубига унинг изнисиз назар солса, албатта, оловга назар солган бўлади».**

Чунки мактубда ёзилган нарсалар мактуб эгасининг маънавий мулки ҳисобланади. Бировнинг мулкига эгасининг рухсатисиз қараб ёки кириб бўлмайди. Кўпинча мактубда бошқа мулклардагидан кўра ҳассосроқ ва хафвлироқ нарсалар бўлади. Шунинг учун ҳам бировнинг мактубига унинг изнисиз назар солган киши оловга назар солган бўлади. Олов кўзга зарар қилганидек, хиёнат қилаётган кўзга ҳам у ўқиётган мактуб зарар қилади.

Баъзи уламолар «Бу ердаги оловдан мурод дўзах олови бўлиши ҳам мумкин», деганлар.

**«Аллоҳдан кафтларингизнинг ичи билан сўранглар, сирти билан сўраманглар».**

Сўровчи одам боласидан сўраганда ҳам ўз эҳтиёжини билдириш учун кафтини очади. Аллоҳ таолодан сўраганда ҳам бунинг тескарисини қилса, мутакаббирлик қилган бўлади.

**«Қачон фориғ бўлсангиз, уларни юзингизга суртинг».**

Чунки кафтларга Аллоҳ таолонинг раҳмати нозил бўлган бўлади.

Дуонинг одобларидан бири икки қўлни кўтариб, кафтнинг ичини ўзига қаратиб дуо қилиш, сўнгра эса уларни юзга суртишдир. Ҳадиси шарифнинг ушбу қисмига бизнинг диёримизда жуда ҳам яхши амал қилинади.

**«Ҳадис ва ҳаёт» китобидан**